

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНING А Ж Р И М И

2025 йил ноябрь ойининг 11 куни, Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси суди ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: Ф.Собиров,

ҳайъат судьялари: Н.Зайнабидинов ва А.Исаковдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси С.Хасановнинг котиблигида, тарафлардан Андижон вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори М.Иминов, судланганлар А.Зулунов, Х.Тўйчиев, А.Холдаров, М.Қамбаров, С.Қодирова, ҳимоячилар Ф.Махмудов, Б.Соипов, А.Газиев, Д.Мирзакаримов, Т.Исаковларнинг иштирокида, А.Зулунов ва бошқаларга оид жиноят ишини судланганларни ўзларининг ва ҳимоячилари билан биргаликдаги томонидан келтирилган апелляция шикоятлари асосида кўриш жараёнида қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Андижон туман судининг 2025 йил 25 июндаги ҳукмига кўра :

Зулунов Алишер Муқимович, 1976 йил 17 майда Олтинкўл туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Андижон туман судининг 2017 йил 9 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в, г” бандлари билан 1 йил 6 ойга муайян ҳуқуқдан маҳрум этилиб, 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, шу суднинг 2018 йил 27 июль кунги ажримига кўра, ўталмаган 1 йил 3 ой 13 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан шартли равишда озод қилинган;

2) жиноят ишлари бўйича Андижон туман судининг 2025 йил 18 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а, г” бандлари, 228-моддаси 2-қисми



“а, б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан, ЖК 59, 61 ва 62-моддаси 1-қисмига асосан, 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум этилиб, 4 йил 8 ой 7 кун озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган, Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича кассация инстанциясининг 2025 йил 28 октябрдаги ажримига кўра, ҳукм ўзгартирилиб, ўташ учун 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум этилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаш шarti билан 2 йил 8 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, Андижон тумани фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш маркази ҳисобчиси вазифасида ишлаган, Андижон туман “Саноат” МФЙ, Бунёдкор кўчаси 44-уйда яшаган, иш бўйича эҳтиёт чораси тарикасида 2025 йил 29 март кунидан камоқда сақланаётганга,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўлланиб, 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари, 228-моддаси 3-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 5 йил 9 ой озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида 2 йил 6 ой муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Тўйчиев Хайрулло Шухратович, 1982 йил 26 январда Андижон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам жиноят ишлари бўйича Андижон туман судининг 2021 йил 20 май кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 1-қисми ва 228-моддаси 3-қисми билан, ЖКнинг 59-моддаси тартибида, 1 йил 1 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазони ўтаган, оилали, беш нафар фарзанди бор, савдогарлик билан шуғулланган, Андижон тумани, “Мустақиллик” МФЙ, Долинбой кўчаси, 22-уйда яшаган, иш бўйича эҳтиёт чораси



тариқасида 2025 йил 24 январь кунидан қамокда сақланаётганга,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “г” банди билан 5 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари, 228-моддаси 3-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Холдаров Азизбек Алижонович, 1986 йил 30 майда Андижон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, муқаддам судланмаган, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, уч нафар фарзанди бор, собиқ “Йил орзу умиди” фермер хўжалиги раҳбари бўлган, ҳозирда “Водий кластер” МЧЖда бригадир, Андижон тумани, Март МФЙ, “8-март” кўчаси, 38-уйда яшаган, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида 2025 йил 25 февраль кунидан қамокда сақланаётганга,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари, 228-моддаси 3-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Қамбаров Махмуджон Хакимович, 1969 йил 7 майда Андижон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, муқаддам судланмаган, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, уч нафар фарзанди бор, Андижон тумани, Мард МФЙ раиси вазифасида ишлаган, Андижон тумани, Март МФЙ, Қорабош ота кўчаси, 177-уйда яшаган, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида 2025 йил 13 февраль кунидан уй қамоғи қўлланилган, 2025 йил 31 июлда муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасига ўзгартирилганга,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 5 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил



ахлоқ тузатиш ишлари, 228-моддаси 3-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Қодирова Сохиба Наримановна, 1983 йил 24 декабрда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2021 йил 15 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “г” банди билан 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, 1 йил 6 ойга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, 2024 йил 29 март куни жазони ўтаб ундан озод бўлган, Андижон тумани, “Экин-текин” МФЙда хотин-қизлар фаоли вазифасида ишлаган, Андижон тумани, “Янги йўл” МФЙ, Боғи-турон кўчаси, 39-уйда яшаган, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида 2025 йил 24 январь кунидан уй қамоғи қўлланилган, 2025 йил 31 июлда муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасига ўзгартирилганга,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари, 228-моддаси 3-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Андижон тумани иқтисодиёт ва молия бўлимига етказилган ва копланмай қолган 501.591.600 сўм миқдоридagi моддий зарар ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, А.Холдаров, Х.Тўйчиев, М.Қамбаров ва С.Қодирова, муқаддам Андижон тумани фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказида ҳисобчи вазифасида ишлаган жиноий шериклари А.Зулунов (унга нисбатан ушбу айблов эпизоди бўйича жиноят ишлари бўйича Андижон тумани судининг 2025 йил 18 март куни айблов ҳукми чиқарилган) билан ноқонуний бойлик орттириш мақсадида, ўзаро жиноий тил бириктириб, гуруҳ бўлишиб, ҳужжатларни сохталаштириб, сохта ҳужжатлардан ва компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб,



Ўзганинг мулкани куйидаги усул ва ҳолатларда растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганликда:

жумладан, С.Қодирова, 2023 йил март ойидан бошлаб, Андижон тумани, “Экин-текин” МФЙ хотин-қизлар фаоли вазифасида ишлаб келиб, бир гуруҳ шахслар билан тил бириктириб, моддий манфаатдор бўлиш эвазига ижтимоий нафақа олиб беришни ваъда қилиб, фуқароларни ишламаган даври учун уларни Андижон тумани ҳокимининг 30.01.2021 йилдаги 57-К-сонли қарори билан тугатилган “Йил орзу умиди” фермер хўжалигида 2023 йил январь, февраль ва март ойларида ишлаганлиги ҳақида сохта ҳужжатлар тайёрлаб, уларни сохта эканлигини билгани ҳолда компьютер техника воситаси орқали “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” АТ дастурига жиноий шериги А.Зулунов томонидан жойлаштирилишига кўмаклашиб, уларга 3 ойлик иш ҳақи ҳосил қилишиб, фермер хўжалиги электрон калитидан ғараз ва бошқа паст мақсадларда фойдаланишиб, Давлат солиқ инспекциясига электрон ҳисобот юборилиши оқибатда, Андижон тумани, “Бешбўйноқ” МФЙда яшовчи фуқаролар К.Жўрабоевга 4848,0 минг сўм, З.Юлдашевга 5726,7 минг сўм, “Бешпахлавон” МФЙда яшовчи фуқаролар М.Матазимовга 6040,0 минг сўм, С.Юнусовага 4844,0 минг сўм, Ў.Юнусовга 6060,0 минг сўм, “Баҳор” МФЙда яшовчи фуқаролар Ш.Мухитддиновага 4844,0 минг сўм, М.Йўлдашевга 5752,2 минг сўм, Х.Хожиматовга 5353,0 минг сўм, А.Назаровга 4840,0 минг сўм, Ш.Содиқовга 6055,0 минг сўм, “Кўшчинор” МФЙда яшовчи фуқаро Қ.Сайпидиновга 4 848,0 минг сўм, “Дўнг қишлоқ” МФЙда яшовчи фуқаролар У.Тожибоевга 6060,0 минг сўм, Н.Сотволдиевага 5500,0 минг сўм, З.Курбановага 6055,0 минг сўм, И.Асқаровга 5273,2 минг сўм, Г.Мўминовага 5201,5 минг сўм, “Дўстлик” МФЙда яшовчи фуқаро А.Ходжиматовга 7350,0 минг сўм, “Тадбиркор” МФЙда яшовчи фуқаро М.Азимовга 3924,0 минг сўм, “Экин-тикин” МФЙда яшовчи фуқаролар М.Саидовага 4844,0 минг сўм, И.Хуриллаевга 6060,0 минг сўм, И.Улуқхўжаевга 6060,0 минг сўм, А.Махкамовага 6055,0 минг сўм, Х.Усмоналиевга 5020,7 минг сўм, О.Салиевага 5353,0 минг сўм, Х.Тожиқуловга 6060,0 минг сўм, Х.Эргашевга 3933,0 минг сўм, Г.Касимовага 6060,0 минг сўм, “Янги йўл” МФЙда яшовчи фуқаро О.Азизовга 6963,2 минг сўм миқдорида болалар нафақаси тайинланиб, 2024 йил апрель ойига қадарли “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” АТ дастури орқали автоматик тарзда жами 154.983.500 сўм болалар нафақаси пул маблағларини юқоридаги фуқароларга тўлаб юборилишига шарт-шароит яратишиб, кўп миқдорда бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганликда;

шунингдек, М.Қамбаров 2023 йил 19 июндан Андижон тумани, “Март” МФЙ райси лавозимида ишлаб келиб, бир гуруҳ шахслар билан тил бириктириб, моддий манфаатдор бўлиш эвазига ижтимоий нафақа олиб беришни ваъда қилиб, фуқароларни ишламаган даври учун уларни Андижон тумани ҳокимининг 30.01.2021 йилдаги 57-К-сонли қарори билан тугатилган “Йил орзу умиди” фермер хўжалигида 2023 йил январь, февраль ва март ойларида ишлаганлиги ҳақида сохта ҳужжатлар тайёрлаб, уларни сохта



эканлигини билгани ҳолда компьютер техника воситаси орқали “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” АТ дастурига жиноий шериги А.Зулунов томонидан жойлаштирилишига кўмаклашиб, уларга 3 ойлик иш ҳақи ҳосил қилишга эришиб, фермер хўжалиги электрон калитидан ғараз ва бошқа паст мақсадларда фойдаланишиб, Давлат солиқ инспекциясига электрон ҳисобот юборилиши оқибатда ўзи раислик қилган “Март” МФЙда яшовчи фуқаролар М.Кадировага 6055,0 минг сўм, А.Юсуповга 3535,0 минг сўм, “Наврўз” МФЙда яшовчи фуқаролар И.Абдуллаевга 5454,0 минг сўм, С.Турдиевга 6060,0 минг сўм, М.Атакуловага 6060,0 минг сўм, М.Саттаровга 4840,0 минг сўм миқдорида болалар нафақаси тайинланиб, 2024 йил апрель ойига қадарли “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” АТ дастури орқали автоматик тарзда жами 32.004.000 сўм болалар нафақаси пул маблағларини юқоридаги фуқароларга тўлаб юборилишига шарт-шароит яратишиб, бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганликда;

шунингдек, Х.Тўйчиев бир гуруҳ шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, моддий манфаатдор бўлиш эвазига уларга ижтимоий нафақа олиб беришни ваъда қилиб, фуқароларни ишламаган даври учун уларни Андижон туман ҳокимининг 30.01.2021 йилдаги 57-К-сонли қарори билан тугатилган “Йил орзу умиди” фермер хўжалигида 2023 йил январь, февраль ва март ойларида ишлаганлиги ҳақида сохта ҳужжатлар тайёрлаб, уларни сохта эканлигини билгани ҳолда компьютер техника воситаси орқали “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” АТ дастурига жиноий шериги А.Зулунов томонидан жойлаштирилишига кўмаклашиб, уларга 3 ойлик иш ҳақи ҳосил қилишга эришиб, фермер хўжалиги электрон калитидан ғараз ва бошқа паст мақсадларда фойдаланишиб, Давлат солиқ инспекциясига электрон ҳисобот юборилиши оқибатда “Мустақиллик” МФЙда яшовчи жами 17 нафар фуқаролар яъни А.Абдувахобовга 3939,0 минг сўм, Ш.Мамашукуровга 3932,5 минг сўм, А.Маматолиповга 3601,0 минг сўм, Г.Хамракуловага 6060,0 минг сўм, М.Ўриновга 6060,0 минг сўм, М.Рахимовага 6060,0 минг сўм, М.Қодировга 6969,0 минг сўм, Ж.Мамашукуровга 3932,5 минг сўм, Г.Қодировага 5237,0 минг сўм, Ф.Кимсановга 6951,7 минг сўм, Э.Рашидовга 5742,7 минг сўм, Ж.Рашидовга 3929,3 минг сўм, А.Зокировга 6969,0 минг сўм, З.Ботировага 6666,0 минг сўм, Ш.Дўсматовага 4844,0 минг сўм, О.Ғуломовга 3929,3 минг сўм, Х.Муйдиновага 4848,0 минг сўм ҳамда “Намуна” МФЙда яшовчи 3 нафар фуқаролар М.Шариповга 3025,0 минг сўм, Ф.Юнусовга 4840,0 минг сўм, Ф.Тожибоевга 5858,0 минг сўм миқдорида болалар нафақаси тайинланиб, 2024 йил апрель ойига қадарли “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” АТ дастури орқали автоматик тарзда жами 103.394.400 сўм болалар нафақаси пул маблағларини юқоридаги фуқароларга тўлаб юборилишига шарт-шароит яратишиб, бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганликда;

шунингдек, А.Холдаров у 2020 йил 20 март кунидан 2021 йил ноябрь ойига қадар собиқ “Йил орзу умиди” фермер хўжалиги раҳбари лавозимида ишлаб, жиноий шериги А.Зулунов билан олдиндан тил бириктириб, гуруҳ



бўлишиб, моддий манфаатдор бўлиш эвазига фуқароларга ижтимоий нафақа олиб беришни ваъда қилиб, уларнинг ишламаган даври учун ўзи раҳбарлик қилган “Йил орзу умиди” фермер хўжалиги Андижон тумани ҳокимининг 30.01.2021 йилдаги 57-К-сонли қарори билан тугатилган бўлса-да, 2022 йил ноябрь, декабрь ҳамда 2023 йил январь ойларида фуқароларни ишлаганлиги ҳақида сохта ҳужжатлар тайёрлашга имконият яратиб бериб, уларни сохта эканлигини билгани ҳолда компьютер техника воситаси орқали “Ижтимоий химоя ягона реестри” АТ дастури жойлаштириб, уларга 6 ойлик иш ҳақи ҳосил қилишга эришиб, ўзида туриши лозим бўлган фермер хўжалигининг электрон калитидан ғараз ва бошқа паст мақсадларда жиноий шериги А.Зулуновга фойдаланишга тақдим этиб, Давлат солиқ инспекциясига электрон ҳисобот юборилиши оқибатда 2023 йил март ва апрель ойларидан 2024 йилнинг апрель ойига қадарли Андижон туманида истиқомат қилувчи 31 та маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи жами 78 нафар фуқаролар яъни, “Баҳор” МФЙда яшовчи фуқаролар Ш.Мухитддиновага 4.844,0 минг сўм, М.Ўлдашевга 5.752,2 минг сўм, Х.Хожиматовга 5.353,0 минг сўм, А.Назаровга 4.840,0 минг сўм, Ш.Содиқовга 6.055,0 минг сўм, “Бахт” МФЙда яшовчи фуқаро Б.Қодиралиевга 4.848,0 минг сўм, “Бекобод” МФЙда яшовчи фуқаролар А.Арзиевга 3.607,5 минг сўм, М.Юлдашевага 4.440,0 минг сўм, “Бешбўйноқ” МФЙда яшовчи фуқаролар К.Жўрабоевга 4.848,0 минг сўм, З.Юлдашевга 5.726,7 минг сўм, “Бешпахлавон” МФЙда яшовчи фуқаролар М.Матазимовга 6.040,0 минг сўм, С.Юнусовага 4.844,0 минг сўм, Ў.Юнусовга 6.060,0 минг сўм, “Буюк Турон” МФЙда яшовчи фуқаролар Н.Қосимовга 4.400,0 минг сўм, Б.Бадаловга 4.040,0 минг сўм, С.Комиловга 3.932,5 минг сўм, “Гулобод” МФЙда яшовчи фуқаро А.Каримовга 4.848,0 минг сўм, “Дамарик” МФЙда яшовчи фуқаро О.Атабековага 5.550,0 минг сўм, “Дўнг қишлоқ” МФЙда яшовчи фуқаролар У.Тожибоевга 6.060,0 минг сўм, Н.Сотволдиевага 5.500,0 минг сўм, З.Курбановага 6.055,0 минг сўм, И.Асқаровга 5.273,2 минг сўм, Г.Мўминовага 5.201,5 минг сўм, “Дўстлик” МФЙда яшовчи фуқаро А.Ходжиматовга 7.350,0 минг сўм, “Жаннатмакон” МФЙда яшовчи фуқаро Г.Нурматовага 6.060,0 минг сўм, “Жевачи” МФЙда яшовчи фуқаролар А.Қўчқаровга 5.454,0 минг сўм, С.Рахматовага 6.438,7 минг сўм, “Завроқ” МФЙда яшовчи фуқаро Т.Усмановага 6.060,0 минг сўм, “Зангибобо” МФЙда яшовчи фуқаро М.Абдуллаевга 3.933,0 минг сўм, “Исломобод” МФЙда яшовчи фуқаро А.Холназаровга 5.700,0 минг сўм, “Қумкўча” МФЙда яшовчи фуқаролар Х.Қодировга 5.757,0 минг сўм, Р.Ахмедовга 4.848,0 минг сўм, “Қўшарик” МФЙда яшовчи фуқаро Ш.Исмоиловга 6.060,0 минг сўм, “Қўшчинор” МФЙда яшовчи фуқаро Қ.Сайпидиновга 4.848,0 минг сўм, “Маориф” МФЙда яшовчи фуқаро С.Жалоловага 6.060,0 минг сўм, “Март” МФЙда яшовчи фуқаролар М.Кадировага 6.055,0 минг сўм, А.Юсуповга 3.535,0 минг сўм, “Мустақиллик” МФЙда яшовчи фуқаролар А.Абдувахобовга 3.939,0 минг сўм, Ш.Мамашукуровга 3.932,5 минг сўм, А.Маматолиповга 3.601,0 минг сўм, Г.Хамракуловага 6.060,0 минг сўм, М.Ўриновга



6.060,0 минг сўм, М.Рахимовага 6.060,0 минг сўм, М.Қодировга 6.969,0 минг сўм, Ж.Мамашукуровга 3.932,5 минг сўм, Г.Қодировага 5.237,0 минг сўм, Ф.Кимсановга 6.951,7 минг сўм, Э.Рашидовга 5.742,7 минг сўм, Ж.Рашидовга 3.929,3 минг сўм, А.Зокировга 6.969,0 минг сўм, З.Ботировага 6.666,0 минг сўм, Ш.Дўсматовага 4.844,0 минг сўм, О.Ғуломовга 3.929,3 минг сўм, Х.Муйтиновага 4.848,0 минг сўм, “Наврўз” МФЙда яшовчи фуқаролар И.Абдуллаевга 5.454,0 минг сўм, С.Турдиевга 6.060,0 минг сўм, М.Атакуловага 6.060,0 минг сўм, М.Саттаровга 4.840,0 минг сўм, “Намуна” МФЙда яшовчи фуқаролар М.Шариповга 3.025,0 минг сўм, Ф.Юнусовга 4.840,0 минг сўм, Ф.Тожибоевга 5.858,0 минг сўм, “Обиҳаёт” МФЙда яшовчи фуқаро Т.Рахмадалиевга 5.267,7 минг сўм, “Оғуллик” МФЙда яшовчи фуқаро Н.Тошбоевга 4.161,2 минг сўм, “Оқроввот” МФЙда яшовчи фуқаро Д.Усмоновга 6.060,0 минг сўм, “Тадбиркор” МФЙда яшовчи фуқаро М.Азимовга 3.924,0 минг сўм, “Чорбоғ” МФЙда яшовчи фуқаролар Ж.Ахмадалиевга 3924,0 минг сўм, Д.Хуриллаевага 4.844,0 минг сўм, “Экин-тикин” МФЙда яшовчи фуқаролар М.Саидовага 4.844,0 минг сўм, И.Хуриллаевга 6.060,0 минг сўм, И.Улукхўжаевга 6.060,0 минг сўм, А.Махкамовага 6.055,0 минг сўм, Х.Усмоналиевга 5.020,7 минг сўм, О.Салиевага 5.353,0 минг сўм, Х.Тожикуловга 6.060,0 минг сўм, Х.Эргашевга 3.933,0 минг сўм, Г.Касимовага 6.060,0 минг сўм, “Янги йўл” МФЙда яшовчи фуқаро О.Азизовга 6.963,2 минг сўм, “Янгиобод” МФЙда яшовчи фуқаро А.Патиовхуновга 5.555,0 минг сўм миқдорида болалар нафақаси тайинлатишга эришиб, жами 412.230.500 сўм болалар нафақаси пул маблағларини 2024 йил апрель ойига қадарли юқоридаги фуқароларга тўлаб юборилишига шарт-шароит яратишиб, жуда кўп миқдорда бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганликда;

бундан ташқари А.Зулунов, жиний шериклари Х.Тўйчиев, М.Қамбаров ва С.Қодирова билан олдиндан тил бириктириб, гуруҳ бўлишиб, ўзларининг жиний фаолиятларини давом эттиришиб, моддий манфаатдор бўлиш эвазига ижтимоий нафақа олиб беришни ваъда қилиб, фуқароларни ишламаган даври учун уларни Андижон тумани ҳокимининг 2021 йил 19 февралдаги 120-Қ-сонли қарори билан тугатилган собиқ “Бўтақора файз” номли фермер хўжалигида 2022 йил ноябрь, декабрь ва 2023 йил январь ойларида ишлаганликлари ҳақида такроран сохта ҳужжатлар тайёрлаб, уларни сохта эканлигини билгани ҳолда компьютер техника воситаси орқали “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” АТ дастури жойлаштириб, уларга 3 ойлик иш ҳақи ҳосил қилишга эришиб, фермер хўжалиги электрон калитидан ғараз ва бошқа паст мақсадларда фойдаланиб, Давлат солиқ инспекциясига электрон ҳисобот юборишганликда;

жумладан, М.Қамбаров ўзининг жинийларини давом эттириб, 2023 йил 19 июндан Андижон тумани, “Март” МФЙ раиси лавозимида ишлаб келиб, бир гуруҳ шахслар билан ўзаро жиний тил бириктириб, моддий манфаатдор бўлиш эвазига ижтимоий нафақа олиб беришни ваъда қилиб, Андижон тумани ҳокимининг 2021 йил 19 февралдаги 120-Қ-сонли



карори билан тугатилган “Бўтақора файз” фермер хўжалигида Андижон туманида яшовчи фуқароларни ишламаган даври учун гуёки ишлаганлиги ҳақида ҳужжатлар тайёрлашда жиноий шериги А.Зулуновга кўмаклашиб, ўзи раислик қилган Андижон тумани, “Март” МФЙда яшовчи фуқаролар А.Маннобжоновга 3929,2 минг сўм, Н.Рахимовага 4828,0 минг сўм, Б.Ортиқовага 5757,0 минг сўм, Ш.Мухаббатовага 4848,0 минг сўм, М.Кадиновага 6055,0 минг сўм, Ю.Дадажоновга 4848,0 минг сўм, шунингдек, “Мустақиллик” МФЙда яшовчи фуқаролар Ш.Мамашукуровга 3932,5 минг сўм, Ж.Мамашукуровга 3604,2 минг сўм, Ш.Қодировга 5242,0 минг сўм, Э.Рашидовга 5747,5 минг сўм, Ж.Рашидовга 3326,5 минг сўм, А.Ботировга 6969,0 минг сўм, Ш.Дўсматовага 4844,0 минг сўм, О.Ғуломовга 3927,0 минг сўм, Х.Муйдиновга 4848,0 минг сўм, “Наврўз” МФЙда яшовчи фуқаролар О.Абдуллаевага 5454,0 минг сўм, С.Турдиевга 6060,0 минг сўм, М.Саттаровга 4840,0 минг сўм, шунингдек, жиноий шериги Х.Тўйичев билан бирга “Мустақиллик” МФЙда яшовчи фуқаролар Н.Рахимовага 4836,0 минг сўм, Х.Усмоновага 4836,0 минг сўм, А.Қодировга 6045,0 минг сўм ва О.Тўхтасиновга 5757,0 минг сўм миқдорида болалар нафақаси тайинланиб, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” АТ дастури орқали автоматик тарзда жами 45.684.200 сўм болалар нафақаси пул маблағларини 2024 йил апрель ойига қадарли юқоридаги фуқароларга тўлаб юборилишига шарт-шароит яратишиб, бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганликда;

шунингдек, С.Қодирова Андижон тумани, “Экин-текин” МФЙ хотин-қизлар фаоли вазифасида ишлаб, ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, бир гуруҳ шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, моддий манфаатдор бўлиш эвазига ижтимоий нафақа олиб беришни ваъда қилиб, Андижон тумани, “Бешбўйноқ” МФЙда яшовчи фуқаролар К.Жўрабоевга 4848,0 минг сўм, З.Юлдашевга 5726,7 минг сўм, “Бешпахлавон” МФЙда яшовчи фуқаролар М.Матазимовга 6040,0 минг сўм, С.Юнусовага 4844,0 минг сўм, Ў.Юнусовга 6060,0 минг сўм, “Баҳор” МФЙда яшовчи фуқаролар Ш.Мухитдиновага 4844,0 минг сўм, М.Йўлдашевга 5752,2 минг сўм, Х.Хожиматовга 5353,0 минг сўм, А.Назаровга 4840,0 минг сўм, Ш.Содиқовга 6055,0 минг сўм, “Қўшчинор” МФЙда яшовчи фуқаро Қ.Сайпидиновга 4 848,0 минг сўм, “Дўнг қишлоқ” МФЙда яшовчи фуқаролар У.Тожибоевга 6060,0 минг сўм, Н.Сотволдиевага 5500,0 минг сўм, З.Курбановага 6055,0 минг сўм, И.Асқаровга 5273,2 минг сўм, Г.Мўминовага 5201,5 минг сўм, “Дўстлик” МФЙда яшовчи фуқаролар А.Ходжиматовга 7350,0 минг сўм, “Тадбиркор” МФЙда яшовчи М.Азимовга 3924,0 минг сўм, “Экин-тикин” МФЙда яшовчи фуқаролар М.Саидовага 4844,0 минг сўм, И.Хуриллаевага 6060,0 минг сўм, И.Улукхўжаевага 6060,0 минг сўм, А.Махкамовага 6055,0 минг сўм, Х.Усмоналиевага 5020,7 минг сўм, О.Салиевага 5353,0 минг сўм, Х.Тожиқуловга 6060,0 минг сўм, Х.Эргашевга 3933,0 минг сўм, Г.Касимовага 6060,0 минг сўм, “Янги йўл” МФЙда яшовчи фуқаро О.Азизовга 6963,2 минг сўм миқдорида болалар нафақаси



тайинланиб, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” АТ дастури орқали автоматик тарзда жами 108.608.900 сўм болалар нафақаси пул маблағларини 2024 йил апрель ойига қадарли юқоридаги фуқароларга тўлаб юборилишига шарт-шароит яратишиб, бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганликда;

судланувчи А.Зулунов 2023 йил январь, февраль ва март ойларида Андижон тумани фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказида ҳисобчи вазифасида ишлаб юриб, ноқонуний бойлик орттириш мақсадида, юқоридаги жиноий шериклари билан ўзаро жиноий тил бириктириб, гуруҳ бўлиб, ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни ҳужжатларни такроран сохталаштириб, сохта ҳужжатлардан ва компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишдан иборат жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Андижон тумани, “Баҳор” МФЙда яшовчи фуқаролар М.Мухитдиновга 4844,0 минг сўм, Ш.Хожиматовага 5353,0 минг сўм, А.Назаровга 4840,0 минг сўм, “Бўшбўйноқ” МФЙда яшовчи фуқаро А.Комиловга 4838,2 минг сўм, “Буюк турон” МФЙда яшовчи фуқаролар А.Даутовга 4848,0 минг сўм, С.Ахмедовга 4848,0 минг сўм, Р.Хожибоевага 5500,0 минг сўм, М.Ахмедовга 3932,5 минг сўм, Ж.Жалоловга 5757,0 минг сўм, Н.Сулаймоновга 4380,5 минг сўм, А.Ўсмонхўжаевга 5757,0 минг сўм, Н.Иминовага 6236,7 минг сўм, Ж.Ахмедовга 6782,5 минг сўм, Б.Муротовга 6969,0 минг сўм, С.Абдуллаевга 5757,0 минг сўм, О.Ахмедовга 4848,0 минг сўм, Ш.Рашидовга 6957,5 минг сўм, М.Усмоновга 3932,5 минг сўм, М.Қосимовага 4400,0 минг сўм, Б.Бадаловга 4040,0 минг сўм, “Гузар” МФЙда яшовчи фуқаролар Ё.Юлдашевга 5226,7 минг сўм, А.Реджаббоевга 5656,0 минг сўм, У.Исроиловга 3913,0 минг сўм, Т.Хайдаровага 6055,0 минг сўм, С.Салимжоновга 5292,7 минг сўм, И.Йўлдошевга 3900,0 минг сўм, А.Ниязовга 6969,0 минг сўм, А.Абдухалимовга 3939,0 минг сўм, “Гумбаз” МФЙда яшовчи фуқаро С.Хасанбоевага 6055,0 минг сўм, “Дамарик” МФЙда яшовчи фуқаро В.Каримовга 5545,0 минг сўм, “Дулдур” МФЙда яшовчи фуқаро С.Холдоревга 5630,7 минг сўм, “Дўнг қишлоқ” МФЙда яшовчи фуқаролар Н.Кенжаевага 6055,0 минг сўм, Б.Холмирзаевга 6060,0 минг сўм, М.Рўзиевга 6000,0 минг сўм, А.Мирзаевага 6060,0 минг сўм, О.Шариповга 5752,2 минг сўм, “Дўстлик” МФЙда яшовчи фуқаролар Б.Тилаволдиевга 3932,5 минг сўм, У.Одилжоновга 3932,5 минг сўм, А.Ходжиматовга 7410,0 минг сўм, Ф.Сотволдиевга 3935,7 минг сўм, “Жаннатмакон” МФЙда яшовчи фуқаро А.Нурматовга 6060,0 минг сўм, “Жевачи” МФЙда яшовчи фуқаролар А.Қўчкаровга 5454,0 минг сўм, С.Рахматовага 6438,7 минг сўм, “Завроқ” МФЙда яшовчи фуқаролар М.Атамуратовга 4800,0 минг сўм, С.Мўминовга 5700,0 минг сўм, “Исломобод” МФЙда яшовчи фуқаро М.Тожиудиновга 3900,0 минг сўм, “Қурама” МФЙда яшовчи фуқаро Ш.Қодировга 5742,7 минг сўм, “Март” МФЙда яшовчи фуқаролар А.Маннобжоновга 3929,2 минг сўм, Н.Рахимовага 4828,0 минг сўм, Б.Ортиқовага 5757,0 минг сўм, Ш.Мухаббатовга 4848,0 минг сўм,



М.Кадировага 6055,0 минг сўм, Ю.Дадажоновага 4848,0 минг сўм, “Мустақиллик” МФЙда яшовчи фуқаролар Н.Рахимовага 4836,0 минг сўм, Х.Усмоновага 4836,0 минг сўм, А.Қодировга 6045,0 минг сўм, О.Тўхтасиновга 5757,0 минг сўм, Ш.Мамашукуровга 3932,5 минг сўм, Ж.Мамашукуровга 3604,2 минг сўм, Ш.Қодировга 5242,0 минг сўм, Э.Рашидовга 5747,5 минг сўм, Ж.Рашидовга 3326,5 минг сўм, А.Ботировга 6969,0 минг сўм, Ш.Дўсматовага 4844,0 минг сўм, О.Ғуломовга 3927,0 минг сўм, Х.Муйдиновга 4848,0 минг сўм, “Наврўз” МФЙда яшовчи фуқаролар О.Абдуллаевага 5454,0 минг сўм, С.Турдиевга 6060,0 минг сўм, М.Саттаровга 4840,0 минг сўм, “Намуна” МФЙда яшовчи фуқаро В.Шариповага 3025,0 минг сўм, “Оби-хаёт” МФЙда яшовчи фуқаро М.Сулаймоновага 6055,0 минг сўм, “Оғуллик” МФЙда яшовчи фуқаро О.Жумабоевга 4087,2 минг сўм, “Роввот” МФЙда яшовчи фуқаро Б.Мамадалиевга 6060,0 минг сўм, “Саноат” МФЙда яшовчи фуқаролар С.Иброхимовга 3926,0 минг сўм, Х.Абдурахимовга 6440,2 минг сўм, “Султонобод” МФЙда яшовчи фуқаро М.Ибрагимовга 4836,0 минг сўм, “Экин-тикин” МФЙда яшовчи фуқаролар О.Ташхужаевага 6060,0 минг сўм, А.Махкамовага 6055,0 минг сўм, Х.Тожикуловга 6060,0 минг сўм, “Юксалиш” МФЙда яшовчи фуқаро З.Тешабоевга 6060,0 минг сўм, “Янги йўл” МФЙда яшовчи фуқаролар Б.Мирзаевга 6969,0 минг сўм, М.Юлдашевага 4844,0 минг сўм, Г.Усмоновага 6060,0 минг сўм, М.Одиловага 4800,0 минг сўм, Х.Сирожиддиновга 6060,0 минг сўм, Д.Маткаримовага 6050,0 минг сўм, С.Қодировга 6957,5 минг сўм, Н.Тожибоевга 6969,0 минг сўм, Д.Абдурахмоновага 6060,0 минг сўм, Ш.Умаровга 6060,0 минг сўм, М.Камиловага 6045,0 минг сўм, Н.Абдуллаевга 6969,0 минг сўм, Д.Каримовага 6963,2 минг сўм микдорида микдорида болалар нафақаси тайинланиб, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” АТ дастури орқали автоматик тарзда жами 352.562.000 сўм болалар нафақаси пул маблағларини юқоридаги фуқароларга 2024 йил апрель ойига қадарли тўлаб юборилишига шарт-шароит яратиб, бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганликда;

юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан судланувчи А.Зулунов жами 764.793.000 сўм жуда кўп микдордаги бюджет маблағларини, шундан 412.230.500 сўмини жиноий шериги А.Холдаров билан, 263.592.400 сўмини жиноий шериги С.Қодирова билан, 103.394.400 сўмини жиноий шериги Х.Тўйчиев билан ва 77.688.200 сўмини жиноий шериги М.Қамбаров билан бирга растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишганликда айбли деб топилган.

Судланган С.Қодирова ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоятда, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, вояга етмаган 3 нафар фарзанди борлиги, турмуш ўртоғи иккинчи гуруҳ ногирони эканлиги, ҳукмда ундан ундирилиши белгиланган моддий зарарларни қисми турмуш ўртоғи томонидан тўлиқ қоплангани сабабли суд ҳукмини унга оид



қисмини ўзгартириб, унга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини бошқа енгилроқ жазога ўзгартиришни сўрашган.

Судланган М.Қамбаров апелляция шикоятларида, ҳукмда ундан ундирилиши белгиланган моддий зарарлар оила аъзолари томонидан тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, суд ҳукмини ўзгартириб, унга енгиллик бериб, қамоқ билан боғлиқ бўлмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланишини сўраган.

Судланган А.Холдаров апелляция шикоятида, ҳукмда ундан ундирилиши белгиланган моддий зарарлар оила аъзолари томонидан қопланганлигини инобатга олиб, суд ҳукмини ўзгартириб, унга қамоқ билан боғлиқ бўлмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланишини сўраган.

Судланган Х.Тўйчиев ўзи ва ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоятларида, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, ҳукмда ундан ундирилиши белгиланган моддий зарарлар қисми оила аъзолари томонидан тўлиқ қоплангани сабабли суд ҳукмини ўзгартириб, унга қамоқ билан боғлиқ бўлмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланишини сўрашган.

Судланган А.Зулунов ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоятида, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, вояга етмаган 2 нафар фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги, онаси вафот этганлиги, унинг дафн маросимларини ўтказиш кераклигини, ҳукмда ундирилиши белгиланган моддий зарарлар бошқа судланувчилар, ўзи ва оила аъзолари томонидан тўлиқ қопланганини инобатга олиб, суд ҳукмини ўзгартириб, унга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини бошқа енгилроқ жазога ўзгартириб, қамоқдан озод қилишларини сўрашган.

Судланганлар А.Зулунов, Х.Тўйчиев, А.Холдаров, М.Қамбаров, С.Қодировалар бир бирини ва фуқаровий даъвогар вакили Б.Ахмедов шикоятлар билан танишиб, шикоятларга эътирозлари йўқлигини билдиришган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят судининг судьяси Ф.Собировнинг маърузасини, прокурор М.Иминовнинг иш бўйича етказилган моддий зарар қопланганлигини инобатга олиб, суд ҳукмини ўзгартириб қонунга мувофиқлаштириш, судланган А.Зулунов, Х.Тўйчиев, А.Холдаров, М.Қамбаров, С.Қодировалар ҳамда ҳимоячилар Ф.Махмудов, Б.Соипов, А.Газиёв, Д.Мирзакаримов, Т.Исаковларнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, кассация шикоятидаги важларни иш ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топди.

Биринчи инстанция суди судланган А.Зулунов, Х.Тўйчиев, А.Холдаров, М.Қамбаров, С.Қодироваларнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айблари, ўзларининг айбига қисман иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, судда сўралган гувоҳлар О.Эргашева, М.Қўчқоров, У.Матқосимов, Д.Бойматова, М.Қодирова, З.Юлдашев, С.Йўлдошев ва бошқаларнинг кўрсатувлари билан, шунингдек, жиноят ишига қўшилган 26.04.2024 йил кунги Андижон тумани иқтисодиёт



ва молия бўлими мутахассисларининг ўрганиш юзасидан тузилган маълумотномаси ва унга илова қилинган хужжатлар, Андижон туман ҳокимининг 12.04.2024 йилдаги 244-қ-сонли ва 03.02.2018 йилдаги 135-қ-сонли қарорлари, туман фермер хўжаликлари ҳисоботини юритиш марказининг буйруқлари, вилоят давлат молиявий назорат бошқармасининг хужжатли тафтиш далолатномаси ва унга илова қилинган хужжатлар, Андижон тумани солиқ инспекциясида ўтказилган текшириш бўйича 14.11.2024 йил куни тузилган далолатнома, дастлабки тергов ҳаракатлари давомида ўтказилган таниб олиш тергов ҳаракати баённомалари ва уларга илова фотосуратлар ҳамда етказилган зарарларни қопланганлиги ҳақидаги квитанциялар ҳамда жиноят ишида тўпланган ишончга сазовор далиллар йиғиндиси билан исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келиб, судланган А.Зулунов, А.Холдаров, С.Қодироваларнинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан; Х.Тўйчиев, М.Қамбаровларнинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “г” банди, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Биринчи инстанция суди, судланган А.Зулунов, А.Холдаров, С.Қодирова, Х.Тўйчиев ва М.Қамбаровларга нисбатан жазо тайинлашда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилган ҳолда, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарлар қопланмагани, жиноятнинг хусусиятини эътиборга олиб, қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарларни ундиришни белгилаш ҳақида тўғри тўхтамга келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 4-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги;

ЖПКнинг 491-моддасида, ишни апелляция, кассация, тафтиш тартибида кўриб чиқаётган суд етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисмининг озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги тўғрисидаги тегишли моддаси нормасини қўллаш учун асослар аниқланган тақдирда ҳукми ўзгартириши кўрсатилган.

Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги Қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли қарори 9-бандида Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра ЖКнинг 167-моддасида назарда тутилган жиноят учун жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг



кўлланилиши истисно этилиши, шу муносабат билан қонуннинг мазкур нормаларида назарда тутилган шарт бажарилган ҳолларда тегишли апелляция, кассация инстанцияси суди, моддий зарар қайси судлов босқичида қопланганлигидан қатъий назар, қамокда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси турини, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан эса, жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиши шартлиги тушунтирилган.

Қайд этилганларга кўра, апелляция инстанцияси судланган А.Зулунов, Х.Тўйчиев, А.Холдаров, М.Қамбаров, С.Қодироваларга оид суд ҳукмини қонунга мувофиқлаштирган ҳолда ўзгартириб, уларнинг шахси, айбига иқрорлиги, жиноят оқибатида етказилган зарарлар миқдори, моддий зарарлар тўлиқ қопланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, енгиллаштирувчи ҳолатларни айни пайтда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, шунингдек ҳозирда жиноят оқибатида етказилган зарарлар судлар фаолиятини таъминлаш департаменти депозит ҳисоб рақамига тўланганини инобатга олиб, уларга жазо тайинлашда, судланган А.Зулунов айбланган ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан қонун санкцияда кўрсатилган ЖКнинг 45-моддасини кўллаб, мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан тайинланган жазоларни аслича қолдиришни, ЖКнинг 59,59-моддаси 8-қисми, 61-моддаси тартибида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қисман кўшишни, ЖКнинг 62-моддасига асосан тайинланган жазодан ўталган муддатини чегиришни;

Судланган Х.Тўйчиев айбланган ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “г” банди билан қонун санкцияда кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан тайинланган жазоларни аслича қолдиришни, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қисман кўшишни, ЖКнинг 62-моддасига асосан тайинланган жазодан ўталган муддатини чегиришни;

Судланган А.Холдаров айбланган ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан қонун санкцияда кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан тайинланган жазоларни аслича қолдиришни, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қисман кўшишни, ЖКнинг 62-моддасига асосан тайинланган жазодан ўталган муддатини чегиришни;

Судланган М.Қамбаров айбланган ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “г” банди билан қонун санкцияда кўрсатилган ЖКнинг 45-моддаси кўллаб, давлат ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда, шунингдек, маҳалла тизимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми



“а,б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан тайинланган жазоларни аслича қолдиришни, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қисман қўшишни, ЖКнинг 62-моддасига асосан тайинланган жазодан ўталган муддатини чегиришни;

Судланган С.Қодирова айбланган ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан қонун санкцияда кўрсатилган ЖКнинг 45-моддаси қўллаб, давлат ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда, шунингдек, маҳалла тизимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан тайинланган жазоларни аслича қолдиришни, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қисман қўшишни, ЖКнинг 62-моддасига асосан тайинланган жазодан ўталган муддатини чегиришни, зарарлар тўлиқ қопланганини инобатга олишни, Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Андижон вилоят ҳудудий бўлимнинг депозит ҳисоб рақамига топширилган 501.591.600 сўм пул маблағларини Андижон тумани иқтисодиёт ва молия бўлими фойдасига ўтказишни, ҳукмнинг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни, апелляция шикоятларини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹⁷-497¹⁸, 497²⁶, 497³¹, 497³⁶-моддаларига асосан апелляция инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Зулунов Алишер Муқимович, Тўйчиев Хайрулло Шухратович, Холдаров Азизбек Алижонович, Қамбаров Махмуджон Ҳақимович ва Қодирова Сохиба Наримановналарга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Андижон туман судининг 2025 йил 25 июндаги ҳукми қонунга мувофиқлаштирилган ҳолда ўзгартирилсин.

1. А.Зулуновга Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисми “а, г” бандлари билан, ЖК 45-моддасини қўллаб, 2 йил 6 ой муддатга давлат ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан тайинланган жазолар аслича қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан 2 йил 6 ой мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 7 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида мазкур ажрим билан тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судлов ҳайъатининг кассация инстанциясининг 2025 йил 31 октябрь кунги ажрими билан тайинланган жазоларни қисман қўшиб, 2 йил 6 ой мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 8 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан А.Зулуновни 2025 йил 29 мартдан 2025 йил 11 ноябрга қадар қамоқда сақланган 7 ой 13 кунининг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига тенглаштириб чегириб ташлаб, ўташ учун 9 ой 21 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо мазкур жазони назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўтатирилиб, муддати ажрим ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин ва ижроси Андижон туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

А.Зулуновга танланган эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

2. Х.Тўйиевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “г” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан ва 228-моддаси 3-қисми билан тайинланган жазолар аслича қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддаларига иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 7 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан Х.Тўйчиевни 2025 йил 24 январдан 2025 йил 11 ноябрга қадар қамоқда сақланган 9 ой 18 кунининг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига тенглаштириб чегириб ташлаб, ўташ учун 2 ой 6 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо мазкур жазони назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўтатирилиб, муддати ажрим ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин ва ижроси Андижон туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Х.Тўйчиевга танланган эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

3. А.Холдаровга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан ва 228-моддаси 3-қисми билан тайинланган жазолар аслича қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддаларига иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 7 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан А.Холдаровни 2025 йил 25 февралдан 2025 йил 11 ноябрга қадар қамоқда сақланган 8 ой 17 кунининг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига тенглаштириб чегириб ташлаб, ўташ учун 5 ой 9 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо мазкур жазони назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўтаттирилиб, муддати ажрим ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин ва ижроси Андижон туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

А.Холдаровга танланган эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

4. М.Қамбаровга Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 2 йил давлат ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда, шунингдек, маҳалла тизимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 5 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан ва 228-моддаси 3-қисми билан тайинланган жазолар аслича қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддаларига иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан М.Қамбаровни 2025 йил 13 февралдан 2025 йил 31 июлга қадар қамоқда сақланган 5 ой 18 кунининг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига тенглаштириб чегириб ташлаб, ўташ учун 1 йил 1 ой 6 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо мазкур жазони назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўтаттирилиб, муддати ажрим ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин ва ижроси Андижон туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

5. С.Қодировага Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 2 йил давлат ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда, шунингдек, маҳалла тизимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиб 2 йил 5 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан ва 228-моддаси 3-қисми билан тайинланган жазолар аслича қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддаларига иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан С.Қодировани 2025 йил 24 январдан 2025 йил 31 июлга қадар қамокда сақланган 6 ой 7 кунининг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига тенглаштириб чегириб ташлаб, ўташ учун 11 ой 9 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо мазкур жазони назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўтатирилиб, муддати ажрим ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин ва ижроси Андижон туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Андижон вилоят ҳудудий бўлимнинг депозит ҳисоб рақамига топширилган 501.591.600 сўм пул маблағлари Андижон тумани иқтисодиёт ва молия бўлими фойдасига ўтказилсин.

Андижон тумани иқтисодиёт ва молия бўлими фойдасига етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани инобатга олинсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин, апелляция шикоятлари қисман қаноатлантирилсин.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан белгиланган тартибда шу суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи: \имзо\
Ҳайъат судьялари: \имзолар\
Ажрим нусхаси аслига тўғри,
вилоят судининг судьяси:

Ф.Собиров



Раислик қилувчи

Ф.Собиров

Ҳайъат судьялари

Н.Зайнабидинов

А.Исаков

Ҳужжат имзоланган: Собиров Фурқат Одилжонович, 13.11.2025

